

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
«Ўзбекистон овози» мухбири

Масала аниқ ва асосли қўйилган депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 16-may. Shanba
57 (31.960)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ СЎЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Депутат сўрови институтига ким қандай муносабатда бўлмоқда?



Мўтабар КАРИМОВА,
ЎЗХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси, халқ
депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи
раҳбари.

Масалан, ўтган йилнинг охирида «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи номига Жиззах туман Кенгаши депутати Ақром Иномов томонидан «Кулписар» қишлоғида газ тармоғида босим етарли эмаслигидан аҳоли таъминоти чеклаб қўйиш ҳақида депутат сўрови киритилди. Сайловчилар томонидан билдирилган эътирозга асосланган мазкур сўров ташкилот мутасаддилари томонидан ўз вақтида қўриб чиқилди ва қисқа муддатда 9,5 километрдан зиёд масофадаги газ тармоғи бошқа жойга қўчирилиб, юқори босимли станцияга уланди. Шу тариқа муаммо ечим топди.

Айни кунларда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашида партиямиздан сайланган 12, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 115 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти

партиямиз дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Ўтган йили давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг мансабдор шахсларига жами 60 та депутатлик сўрови киритилган бўлса, жорий йилнинг 4 ойидан бундай сўровларнинг сони 19 тани ташкил этди. Муҳими, уларнинг аксариятига вақтида жавоб олинди ва электрорат манфатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойларда ҳал этишга эришилди.

Аммо, афсуски, депутатлик сўрови институтини имкониятларидан фойдаланишда депутатларимизнинг талабчанлиги, фаолликлари ҳам бир хил эмас. Хусусан, айрим депутатларимиз сайловдан кейинги 4 ойдан кўпроқ муддат ичида 2-3 тагача депутат сўровлари киритишган пайтда баъзи депутатлар бирон марта ҳам депутат сўрови юбормаган. Хусусан, Зарбдор, Арнасой, Дўстлик туман

Кенгашларидаги партиямиздан сайланган депутатлар бу борада сусткашликка йўл қўйиб келишмоқда. Улар депутат сўровидан камдан-кам ҳолларда фойдаланишяпти, мутасаддилардан ўз сўровларига вақтида жавоб қайтарилишини, амалий чоралар қўрилишини қатъият билан талаб қилишмаяпти. Буни

Депутатларнинг фаоллиги орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлаётган масалалар ўз вақтида ечимини топтоқда.

муқаддам депутат сўрови киритилган Куйи Сирдарё иригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бир йилдан кўпроқ вақт ўтишига қарамадан масалага ойдинлик киритиш учун изоҳ беришни турли сабаблар билан орқага сураётганидан ҳам билса бўлади. Гап шундаки, Жиззах туманидаги

«Хаваслик» маҳалласи ҳудудидан ўтайдиган зовурни тозалаш масаласи анча вақтдан бери ҳал этилмагандан келмоқда. Депутат сўрови турли масалаларда бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай сўров муаммо атрофича ўрганиб чиқилгандан сўнг, юборилсагина кутилган самарани беради. Ҳар бир депутат, унга кўмак берадиган партия ташкилоти шунга амал қилиши керак. Масала аниқ ва асосли қўйилган депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

Шу ўринда Жиззах туманидаги «Уяс» қишлоғида ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ масалада туман ҳокими, тумна ногирон Маъсума Жумаеванинг соғлигини тиклашга кўмак зорлиги ҳақида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилган депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб берилиб, масалалар ҳал этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Депутатларимиз жонқуяр, ташаббускор, талабчан бўлса, жойларда одамлар, электрорат вакиллари йўлантираётган масалаларга, албатта, ечим топилади. Бугунги кунда вилоятимизда Хидир Шукуров, Ақром Иномов, Тўлқин Ахоров, Ҳаким Намозов, Абдунаби Абдурахмонов,

Озотой Қўшбоқова, Муртозакул Бўтаев, Баҳор Жумабоева, Жалил Қувондуқов сингари ўнлаб депутатлар ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда сайловчилар ишончини оқлашга, соҳа ва тармоқлардаги камчиликларни барга-раф этишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар депутатликнинг масъулиятини юракдан ҳис этиб, электроратнинг ҳаётий эҳтиёжларига хизмат қиладиган қимматли таклифлар, фойдали ташаббуслар билан чиқишяпти. Энг муҳими, депутатларнинг фаоллиги орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлаётган масалалар ўз вақтида ечимини топтоқда.

Президентимиз «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган гоёт муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнаттишдан иборатдир», деб алоҳида таъкидлаган эди. Депутатлик сўрови бу вазифани амалга оширишда асосий воқеа, қонуний механизм ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир депутат бу институтдан самарали фойдаланиш ҳақида янада чуқур ўйлаб қўриши зарур.

ЎЗХДП Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти вилоятда қандай йўлга қўйилган? Мурожаатларни ҳал этиш бўйича тўпланган тажрибалар ҳақида тўхталсангиз. Қабулхоналар иши қайси ҳудудларда талаб даражасида йўлга қўйилмапти? Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қандай таклифларингиз бор? Мазкур саволларга ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматовнинг жавобларини кутамиз. Бу ҳақдаги мақола газетамизнинг жорий йил 23 май сониде чоп этилиши режалаштирилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармаси

қуйидаги объектни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан такрорий очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз тумани Янгиариқ ҚФЙ «Истиқлол» МФЙ «Маслаҳаттепа» қишлоғида ишчи лойиҳаси 1,0 км бўлган ички автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш (код 09 120 ТҚК 187).

Объектнинг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 167,436 млн. сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 139,530 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Буортмачи: Сурхондарё вилояти Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармаси.

Манзили: Термиз тумани, Учқизил кўрғони, Тел/факс (+99890) 747-44-44.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилиди: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сон баённома-си қарорларига асосан ушбу объект танлов савдосида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота микдори 25 фоизни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сурхондарё вилояти, Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз тумани, Учқизил кўрғони. Тел./факс: (+99890) 747-44-44.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз тумани, Учқизил кўрғони, Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармасида ўтказилади.

■ Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни катта бўлмоқда.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Масалан, Жамғарма маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ташқи бозорларни чуқур ўрганган ҳолда маҳсулотларни экспорт қилишда, харидорларни излаш ва шартномаларни тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, бунда эҳтимоли бўлган хавф-хатарлардан уларни ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ишларда яқиндан қўмақлашмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ Корея, Япония, Латвия, Сингапур, Европа Иттифоқи,

МДХ ва Форс кўрфазиде давлатлари савдо ташкилотлари ҳамда савдо мажмуалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

— Жамғарма кўмағида Россиянинг йирик савдо мажмуи ҳисобланган «Азбука Вкуса» билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик, — дейди «Гала осие агро сахарат сервис» корхонаси раҳбари Зафар Тоҳиров. — Натижада, қарама, помидор, ошқовоқ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан 6 млн. АҚШ

доллари микдоридеги келишувни имзолашга эришилди.

— Корхонамизнинг ташқи бозорларни ўрганиш ва ҳамкорлар топишда, экспортга доир барча масалаларни ҳал этишда жамғарманинг юқори малакали ходимлари яқиндан қўмақлашиб келмоқда, — дейди «Иштихон агропродукт» раҳбари Зокир Бобоқулов. — Бундай кўмак туфайли биз Литванинг «NT Capitals» савдо мажмуи билан узум ва олмани экспорт қилиш бўйича 6,5 млн. АҚШ доллари микдоридеги келишув имзоладик.

Ушбу мисолларнинг ўзиданоқ Жамғарманнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга экспорт салоҳиятини ошириш йўлида кўрсатаётган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар самараси кўриниб турибди. Бу эса мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ва заминимизда етиштирилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларини эгаллашга замин яратмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё

Жарималар миқдори

йиллик даромадга қараб белгиланади

Финляндияда жарималар тизими прогрессив хусусиятга эга билан аксарият давлатлардан ажралиб туради.



Гап шундаки, «The New York Times» газетаси хабар беришича, бу ерда жарималар жисмоний шахснинг йиллик даромадига нисбатан белгиланади.

Шу ўринда газета ҳаётини мисол келтиради. Яқинда финляндиялик миллионер Рейм Куисли тезлик чекланган ҳудудда, яъни соатига 50 мил қилиб белгиланган йўлда 64 мил тезлик билан ҳаракатлангани учун катта микдорда жаримага тортилди. Унинг йиллик даромади ҳисоблаб чиқилган эди жарима фоизи 58 минг еврога тенглиги аён бўлди ва шу микдорда жарима белгиланди. Бу миллионер даромадининг маълум қисмига тенглашиб қолади. Шу боис ҳам у бундай жарима тизими жорий этилганидан норози.

Аслида бундай жарима тизими барчага бирдек таъсир кўрсатиш нуктаи назаридан жорий этилган. Яъни, миллионер ҳам, кам таъминланган фуқаро ҳам жарима микдоридан ўзига хулоса чиқара олсин.

Дейлик, белгиланган тезликдан юқори тезликда ҳаракат учун ҳаммага бирдек маълум микдорда жарима белгиланиши миллионерлар учун уни тўлаб қўйиш ҳеч нарса эмас. Шу боис яна қоидабузарликка йўл қўяверади. Шу нуктаи назардан жарималар даромадга қараб белгиланади.

Яна бир миллионер 2002 йилда катта микдорда жаримага тортилган эди. Ушунда «Нokia» компанияси менежерларидан бири Хельсинки кўчаларида ўз мотоциклда белгиланганидан юқори тезликда ҳаракатлангани учун 104 минг доллар эквивалентига тенг микдорда жаримага тортилган. Ушунда унинг йиллик даромадини ҳисоблаб чиқилган эди унинг даромади 12,5 миллион долларни ташкил этган.

Инсулът ҳуружи

хавфи янада ортади

Франциядаги Лилль университети олимлари олиб борган тадқиқот натижалари шундан далолат беришмоқдаки, мунтазам спиртли ичимлик



ичиш инсулът ҳуружи хавфини ошириб юборади. Яъни, спиртли ичимлик кўп ичадиган одамлар ичмайдиган одамларга қараганда 14 йил аввал инсулът хасталиғига чалиниши мумкинлигини айтмоқдалар.

«Franse Presse» ахборот агентлиги хабарига қайд этилишича, 60 ёшдан кичик ёшдаги «ичувчилар» инсулът ҳуружига узраганидан кейинги 2 йилда ҳаётдан қўз қомиш эҳтимоли юқорилигини тадқиқот натижалари тасдиқлади. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, спиртли ичимликларни кўп микдорда ичиш оқибатида ёшлик чоғида ҳам инсулътнинг оғир турига дучор бўлиш хавфи бор.

«ZAHIRA INVEST» МЧЖ жамоаси меҳнат фахрийси Азимжон Аюповга падари бузруквори

МИРФИЁС отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

■ ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ 10 ФОИЗДАН 9 ФОИЗГА ТУШИРИЛГАНИ ИҚТИСОДИЁТНИ КРЕДИТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАЖМИНИ 1,3 БАРОБАР ОШИРИШДА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ БЎЛДИ.



■ 2015 ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 4,8 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ЗИЁД 53 ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОШЛАНДИ, ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДОИРАСИДА 434 ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Заминга, ҳаётга, самовийликка интилиш, табиатнинг ҳар бир гўшасида инсоннинг яратувчанлик хислатлари илиқ ранглар тантанасида берилади.

ТАДБИР



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

СУРАТЛАРДА ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ

Истеъдодли миниатюрчи мусаввир Зилола Сулаймонова ижодида Ватан манзаралари алоҳида ўрин тутди. Шундан бўлса керак, Парижда бўлиб ўтган «Замонавий санъат ва рангтавир» номли халқаро ёшлар фестивалида ҳам унинг асарлари муносиб баҳоланган эди. Таниқли мусаввирнинг навбатдаги кўргазмаси пойтахтимиздаги Камолитдин Бехзод мемориал боғ музейида, Шарқнинг буюк мусаввири Камолитдин Бехзод таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

Ижодкорнинг асарларида бунёдкорлик фаолияти, яшаш тарзи ва анъаналар, кўз илғамас нозик қадриятлар Ватан тимсолларига айланади. Заминга, ҳаётга, самовийликка интилиш, табиатнинг ҳар бир гўшасида инсоннинг яратув-

чанлик хислатлари илиқ ранглар тантанасида берилади.

Мусаввирнинг кўргазмадан ўрин олган «Қалдирғочлар», «Шарқ аёли», «Фарғона», «Етти булок», «Шум бола» каби 200 га яқин санъат асарлари, де-

тасвирлари, нозик чизгилари билан санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Миниатюра санъати ўта аниқлик ва нафисликни талаб этади, — дейди **Зилола Сулаймонова**. — Бунда мустақам ирода, кунт ва алоҳида маҳорат бўлсагина, ижодкор ўз фантазисини ярата олади. Кўргазмадан жой олган асарларда фалсафий мушоҳадага чорловчи мазмун ва шакл уйғунлигига алоҳида эътибор берилгани мухлислар эътиборига тушди.

Ферузбону НАБИЕВА

СПОРТ

Бош соврин кимга насиб этади?

Куни кеча футбол бўйича нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи Европа чемпионлар лигаси ярим финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Дастлабки жувтлик учрашувида «Бавария» (Германия) — «Барселона» (Испания) футболчилари ўзаро рўбарў келди. Бу жамоаларнинг Испанияда кечган баҳсида барселоналиклар йирик — 3:0 ҳисобида ғалаба қозонганди. Кутилганидек, жавоб ўйини ҳам шиддатли ва муросасиз кечди. Унда «Бавария» вакиллари мағлубият аламини олди — 3:2. Аммо бу муваффақият икки

ўйин натижасига кўра, немис футболчиларининг финалга чиқиши учун камлик қилди.

Ярим финалнинг иккинчи ўйинида эса «Реал» (Испания) — «Ювентус» (Италия) жамоалари куч синашди. Учрашув олдида аксарият мухлислар «Қироллик клуби» имкониятини юқори баҳолаётганди. Дастлаб Туринда ўтган ўйинда «Ювентус» бир тўп фарқи билан (2:1) ғалаба қозонган бўлса-да, олдинда жавоб учрашуви бор эди. Мадридда кечган жавоб ўйини чинакам финалга тенг бахс мақомини олди. Унда Криштиано Роналду 23-дақиқада пенальтидан ҳисоб-

ни очди. Шунга қарамай, мезбонларга нисбатан майдонда фаол ва совуққонроқ ҳаракат қилган «Ювентус» футболчилари 57-дақиқада ҳисобни тенглаштириб, ўзлари учун керакли ва муҳим натижани кўлга киритдилар.

— Ярим финалдаги қоникарсиз натижадан жуда афсусдаман, — дейди «Реал» жамоаси ярим ҳимоячиси Гаррет Бейл. — Биз финалга чиқиб, совринни кўлга киритмоқчи эдик. Аммо омадимиз чопмади. Жамоамиз доимо кўпроқ гол уриш учун интиланган, бу учрашувда рақиб дарвозасини бор-йўғи бир марта аниқ нишонга олдик. «Ювентус» футболчилари яхши ўйнади. Энди кейинги мавсумда Европа чемпионлар лигаси бош совринини кўлга киритиш учун тайёргарлик кўришимиз керак.

Эслатиб ўтамиз, Европа чемпионлар лигаси финал учрашуви шу йилнинг 6 июнида Берлин (Германия)даги «Олимпиаштадион» аренасида бўлиб ўтади. Унда «Ювентус» — «Барселона» жамоалари ўзаро куч синашади.

Эркин ХОЛБОБО



ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

СИБИРДАГИ БАЙКАЛ(БОЙКЎЛ) ДУНЁДАГИ ЭНГ ЧУҚУР КЎЛ ҲИСОБЛАНАДИ. БАЙКАЛ КЎЛИ ҲАЖМИГА ТЕНГ БЎЛГАН ҲАВЗАНИ ТЎЛДИРИШ УЧУН ДУНЁНИНГ ЭНГ КАТТА ДАРЁЛАРИ — ВОЛГА, ДОН, ДНЕПР, ЕНИСЕЙ, УРАЛ, ОБЬ, ГАНГ, ОРИНОКО, АМАЗОНКА, ТЕМЗА, СЕНА ВА ОДЕР ҚАРИЙБ БИР ЙИЛ ҚУЮЛИШИ КЕРАК.



ЖИРАФА СУВ ИЧМАСДАН ТУЯДАН ҲАМ УЗОҚ ВАҚТ ЮРИШИ МУМКИН.



ШИМОЛИЙ МУЗ ОКЕАНИДА ЯШОВЧИ МЕДУЗА ЧАНГАЛИНИНГ УЗУНЛИГИ 36 МЕТРГАЧА ЕТИШИ МУМКИН.



РЕКЛАМА



«ЎЗБЕККО'МИР»

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз кончилик ва металлургия саноати соҳаси ходимларини

Ўзбекистон Республикасининг кончилик ва

металлургия саноати ходимлари кунни билан муборакбод этади!

Тинчлик ва барқарорлик бўлган юртда тараққиёт бўлади, байрамлар байрамларга уланади, унинг шукуҳи қалбларга сингади, татийди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда янги кўмир конларини излаб топиш, уларни чамалаш ва тасарруф этиш борасида улкан ютуқларга эришилди. Халқимизни сифатли ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг турини янада кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Тилагимиз — халқимизнинг байрамлари, тўйлари, яхши кунлари янада кўпаяверсин!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ БЎЛСИН!



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01.35
Topshirilgan vaqti — 02.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV
Sahifatlovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 5 6